

ЕР ФОНДИНИНГ ТОИФАЛАРИ ВА ЕР ТУРЛАРИ БҮЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Атакулов Тўхтамурод Умарович

Мустақил тадқиқотчи, қ.х.ф.н.

Шаропов Рамзијдин Нажмидинович

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ, қ.х.ф.ф.д, (PhD)

Республикамиизда ер ҳисоби давлат ер ҳисобининг мазмуни ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилади [Бабажанов А.Р. “Ер кадастри” Тошкент, ТИМИ, 2011 й. 254 б.]. У ўз таркибига тармоқ ишлаб чиқариши бўйича давлат ер ҳисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни, шунингдек аниқ бир тармоқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ўзига хос маълумотларни олади. Шунинг учун туман (шаҳар)да олиб бориладиган ер майдонларининг тармоқ ҳисобини юритиш тартибини ўрнатишда ушбу масалалар ер майдонларининг давлат ҳисобини амалга ошириш функцияси юқланган ваколатли органлар билан келишилган бўлиши керак.

Ер майдонларининг мавжуд ҳолати, ҳисоби ва улардан фойдаланиш бўйича ҳисоб-китоб ишлари юқори сифатли картографик материаллар асосида олиб борилади. Туман (шаҳар)даги ер фондининг барча тоифалари маъмурий-худудий бирликлар бўйича ҳисоб қилинади [Бабажанов А.Р. “Ер кадастри” Тошкент, ТИМИ, 2011 й. 254 б.]. Ер ҳисобини юритиш мамлакат бўйича ва туман (шаҳар) миқъёсида ягона услубият асосида ўтказилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳисобга олинадиган ер фондининг тоифалари ва республиканинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларнинг таққосланишини таъминлайди. Шу мақсадларда ер майдонларини ягона тартибда таснифлаш, ер ҳисоби бўйича маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва уларни тизимли тарзда гуруҳлашнинг ягона шакллари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 та тоифага бўлинади ҳамда унинг таркибида асосий ер турлари қуйидагилардан иборат [1.18; 102-б.]:

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари (экин ерлар, дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар).
2. Томорқа ерлари.
3. Боғдорчилик-узумчилик уюшмалари ерлари.
4. Мелиоратив ҳолатини яхшилаш босқичидаги ерлар.
5. Ўрмонлар.
6. Бошқа ерлар.

Ер фонди таркибининг динамикаси (2019-2024 йиллар оралиғида)

2.2.1-жадвалда көлтирилганд.

2.2.1-жадвал


Ер фонди таркибининг динамикаси (2019-2024 йиллар)

(минг га ҳисобида)

T/p	Ер турлари	2019 йил 1 январь холатига	2020 йил 1 январь холатига	2021 йил 1 январь холатига	2022 йил 1 январь холатига	2023 йил 1 январь холатига	2024 йил 1 январь холатига	2019 й.01.01 2024 й.01.01 фарки +;-
1	Кишлоқ хұжалик ер турлари	25601	25639	25766,0	25777,2	25769,0	25748,6	+147,6
	шу жумладан, сугориладигани	3729,2	3732	3730,1	3731,5	3730,5	3737,4	+8,2
	-әкин ерлар	4019,8	4033,5	4022,9	4016,1	4028,5	4028,6	+8,8
	шу жумладан, сугориладигани	3262,2	3259,9	3252,1	3247,9	3242,1	3245,1	-17,1
	- дарахтзорлар,	398	403,8	415,2	421,4	438,5	445,3	+47,3
	шу жумладан, сугориладигани	376,3	380,5	386,5	390,0	394,8	401,0	+24,7
	-бұз ерлар	80,7	83,7	83,6	86,6	86,6	84,3	+3,6
	шу жумладан, сугориладигани	47,7	48,7	48,6	51,6	51,6	49,3	+1,6
	-пичанзор ва лайловлар	21102,5	21118	21244,3	21253,1	21215,4	21190,4	+87,9
	шу жумладан, сугориладигани	43,0	42,9	42,9	42,0	42,0	42,0	-1,0
2	Томорқа ерлар	697,4	726	732,3	738,9	741,1	741,2	+43,8
	шу жумладан, сугориладигани	516,6	537,9	542,2	545,8	545,8	545,3	+28,7
3	Урмонзор ва бутазорлар	3595,2	3588,9	3589,6	3589,3	4751,6	4753,3	+1158,1
	шу жумладан, сугориладигани	54,4	52,9	53,2	53,1	53,6	53,6	-0,8
4	Боғдорчиллик- узумчиллик ва сабзавотчиллик уюшмалари ерлари	7,3	7,2	7,2	7,2	7,2	7,2	-0,1
	шу жумладан, сугориладигани	6,4	6,2	6,2	6,2	6,2	6,2	-0,2
5	Мелиоратив курилиш холатидаги ерлар	71,9	68,9	68,8	68,9	68,4	68,3	-3,6
6	Бошқа ерлар	14919,6	14862,4	14728,5	14710,9	13555,1	13573,8	-1345,8
Жами ерлар		44892,4	44892,4	44892,4	44892,4	44892,4	44892,4	-
шу жумладан, сугориладигани		4306,6	4329,0	4331,7	4336,1	4336,1	4342,5	+35,9

*Изах: Давергеодезкадастр құмитаси мәттүометтері, 2015-2020 йиллар мәттүометтер мүаллиф томонидан қайта шыланған.

Қуйидаги расмларда ер фонди тоифалари, шунингдек ер турларининг мамлакат умумий майдонга нисбатан солиширилганди диаграмма күринишида тасвирланмоқда (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Ер турларининг мамлакат умумий майдонга нисбатан солиштирилган диаграммаси.

Ер фондининг тоифалари ва турлари бўйича ердан фойдаланувчиларнинг (барча хукуқ турлари бўйича) ер ҳисобини юритиш услугиятини такомиллаштириш, маъмурий-худудий бирликлар кесимида ер майдонларининг тўлиқ, тўғри ва шаффоф ҳисобини юритиш асосида Республикамиз қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали ва оқилона фойдаланишга эришилади.

Мелиоратив ҳолати ёмон ерлар табиий ёки инсон фаолияти натижасида ёмонлашиб, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги ерлар учун жиддий муаммолар келтириб чиқаради. Ернинг деградацияга учраши ҳосилдорликни пасайтиради, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини камайтиради ва турли соҳаларда иқтисодий фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Бундай ерлар қуидаги йўналишларда турли тоифадаги ерларга салбий таъсир кўрсатади:

Қишлоқ хўжалиги ерлари: Ерларнинг шўрланиши, ботқоқланиши ёки эрозияга учраши дехқончилик фаолиятини қийинлаштиради. Масалан, шўрланган ерлар ўсимликлар учун заарли бўлган тузлар билан тўлиб, уларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигини пасайтиради. Ботқоқланган ерлар эса қишлоқ хўжалиги ишлари учун қийинчилик туғдиради, бу эса ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлади. Эрозияга учраган ерлар унумдор юза катламини йўқотиб, дехқончилик учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Чорвачилик ерлари: Чўлланиш ёки сувсизлик каби омиллар чорвачилик ерларининг ҳам ҳолатига салбий таъсир қўрсатади. Бу ҳудудларда ўсимликлар етишмовчилиги туфайли чорвани бокиш

қийинлашади, бу эса чорвачиликда самарадорликни камайтиради. Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларда чорва учун етарли озуқа етишмаслиги асосий муаммолардан биридир.

Ўрмонлар ва табиий ҳудудлар: Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар ўрмонзорларда ҳам биоҳаётта салбий таъсир қиласи. Сув баланси бузилиши, шўрланиш ёки сув ресурсларининг йўқолиши ўрмонларнинг сақланишига халақит беради ва биологик хилма-хилликнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Саноат ва инфратузилма ерлари: Мелиоратив ҳолати ёмон ерларда саноат ва инфратузилмаларни қуриш ҳам мураккаблашади. Ботқоқланган ёки сувнинг оқмаслиги туфайли ерларда иншоотлар қуриш қийин бўлади ва бу инвестицияларнинг самарадорлигини пасайтиради. Ернинг ёмон ҳолати қурилиш жараёнини қийинлаштириши ва харажатларни ошириши мумкин.

Сув ресурслари ҳудудлари: Ернинг шўрланиши ва ботқоқланниши сув ресурсларига ҳам салбий таъсир қиласи. Сув омборлари ёки ирригация тизимлари ёмон ҳолатдаги ерларда самарали ишламаслиги мумкин, бу эса сув таъминоти ва бошқарувини мураккаблаштиради. (<http://www.agro.uz>) .

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги давлат қадастрлари палатасининг Миллий ҳисоботи. - Тошкент, 2019-2024. - 87 б.
2. Сафаров Э.Й., Мусаев И.М., Абдураҳимов Ҳ.А - Геоахборот тизими ва технологиялари (Ўкув қўлланма). – Тошкент, 2008.
2. Тошпўлатов С. А. Исломов Ў.П. Инамов А.Н. Пардабоев А.П. Замонавий геодезик асбоблар Дарслик Тошкент-2022.
3. Никишов, В. М. О методике построения областных сельскохозяйственных карт [Текст] / В. М. Никишов //сб. статей по картографии. – М.: Геодезиздат, 1958. – Вып.10.
4. 3. Ormsby, Napoleon, Burke, Groessi, Bowden. GIS, spatial analysis and modeling // ESRI Press,380 New York Street, Redlands, California 92373-8100. 2010 у.
5. 4. Reddy, C.S. and Roy, Arijit (2007). Assessment of three decades of vegetation dynamics in mangroves of Godavari delta, India using multitemporal satellite data and GIS. Research Journal of Environmental Science, 2(2), 108–115-p.